

**ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ  
ЭЛЕКТРОН МАСАЛАЛАРИГА ОИД ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Ўрмонов Рустамжон Таввакалжон ўғли*

*Ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мустақил тадқиқотчи,  
электрон почта манзили: urmonovrustamjon84@gmail.com*

**Аннотация**

Ушбу мақолада электрон тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш масалаларига оид олиб борилган илмий-тадқиқотлар таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, ўрганилган ишлар тадқиқот предметига кўра гуруҳларга ажратилган ва улардан баъзиларининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** электрон тўлов тизимлари, масофавий банк хизматлари, онлайн банк иши, тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликлар, жиноятларни квалификациялаш, кибер-ҳуқуқбузарликлар, ахборот хавфсизлиги.

**АНАЛИЗ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ВОПРОСАМ  
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ НАРУШЕНИЯМ В ЭЛЕКТРОННЫХ  
ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМАХ**

**Аннотация**

В данной статье проведен анализ научных исследований, проводимых по вопросам противодействия нарушениям в электронных платежных системах. Также изучаемые работы разделены на группы по тематике исследования и выделены специфические аспекты некоторых из них.

**Ключевые слова:** электронные платежные системы, ДБО, онлайн-банкинг, нарушения в платежных системах, квалификация преступлений, киберпреступления, информационная безопасность.

**ANALYSIS OF SCIENTIFIC RESEARCH ON ISSUES OF COMBATING  
VIOLATIONS IN ELECTRONIC PAYMENT SYSTEMS**

**Abstract**

In this article, an analysis of the scientific research conducted on the issues of combating violations in electronic payment systems has been carried out. Also, the studied works are divided into groups according to the research subject, and the specific aspects of some of them are highlighted.

**Keywords:** electronic payment systems, remote banking services, online banking, violations in payment systems, qualification of crimes, cyber-crimes, information security.

Ҳозирги кунда масофавий банк хизматлари ривожланиши ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишини тақозо этмоқда. Электрон тўлов жараёнлари иштирокчиларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар ҳар бир давлат учун алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган соҳанинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ушбу жиноятлар эса кибержиноятлар сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот иши доирасида шу кунга қадар амалга оширилган илмий изланишларни таҳлил қилиш зарур.

Ушбу йўналишнинг тартибга солиниши ҳамда таҳдидларнинг имкон қадар кучсизлантирилишини таъминлаш мақсадида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Очiq манбаларда бу турдаги изланишлар натижаларини минглаб учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида содир этилаётган ушбу турдаги жиноятларнинг амалга ошириш механизмлари, усул ва воситаларини тадқиқ этиш жараёнида уларнинг аксарияти Россия Федерациясидаги жиноятчилар тажрибасидан фойдаланаётганлигини кузатиш мумкин. Ушбу фикрни РФ ҳукумати томонидан тўлов тизимларининг ҳимоя механизмлари ривожлантирилиши ҳамда “ишсиз қолган” хакерлар гуруҳларининг Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон ҳудудига эътибор қаратишлари билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабли, РФ тадқиқотчилари томонидан ушбу мавзу атрофлича ўрганилганлиги ҳамда Ўзбекистондаги вазиятнинг ривожланиш тенденциялари билан ўхшашлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш масалалари мавзусининг ўзбек ва чет эл олимлари томонидан ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва ёритиш мақсадида бир қатор диссертация, мақола ва халқаро илмий конференцияларнинг материаллари таҳлил қилинди.

Юқоридаги мавзунинг илмий ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш учун бир нечта докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари ҳамда кўплаб мақолалар таҳлил қилинди. Ўрганилган диссертация ва илмий мақолалар асосан Банк-молия академияси, Тошкент молия институти, Тошкент Давлат Юридик университети ва чет давлат олий таълим муассасалари тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган.

Кўриб чиқилган илмий-тадқиқот ишларини предмети ва муаммога нисбатан ёндашувга кўра унга ажратиш мумкин.

**Биринчи гуруҳга** кирувчи илмий-тадқиқот ишларида тўлов тизимлари ва улардаги ҳуқуқбузарликларга банклар нуқтаи назаридан қаралган бўлиб, асосий эътибор иқтисодий хавфсизлик ҳамда банкларнинг барқарорлигига салбий таъсир этувчи омилларга қаратилган. Ушбу гуруҳга кирувчи тадқиқотларни иқтисодий йўналишдаги мутахассислар олиб борган. Хусусан, А.К.Мирсоатов, К.О.Семёнов, М.Р.Тангишов, Т.В.Скрёбцова, С.В.Гришанова, Н.М.Найимова, Ш.А.Ташпулатов, К.Ю.Тихонова, Л.А.Пойманова, И.А.Басов, Ҳ.Икрам, К.Н.Евдокимов, А.А.Кушу ва А.З.Толстовалар<sup>1</sup> томонидан тақдим этилган диссертация ишлари ва илмий мақолаларда тўлов тизимларининг ривожланиши шароитида юзага келувчи қулайликлар ҳамда таҳдидлар кўриб чиқилган. Таҳдидларни ўрганишда банкларнинг инновацион ривожланиши, ахборот технологияларининг жорий этилиши ҳамда банк персонали ва мижозларнинг ушбу шароитга мослашувига асосий урғу берилган. Олиб борилган

<sup>1</sup> А.К.Мирсоатов. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ривожланишининг замонавий тенденциялари. *Moliya va Bank ishi Jurnal* 4 (2022), 1-5 б // <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/66>; К.О.Семенов. Стратегические направления повышения экономической безопасности коммерческого банка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук (2021) // <https://www.dissercat.com/content/strategicheskie-napravleniya-povysheniya-ekonomicheskoi-bezopasnosti-kommercheskogo-banka/read/pdf>; М.Р.Тангишов. Тижорат банкларининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати (2023) // <https://www.interaktiv.oak.uz/avtoreferat/3a08225f01.file>; Т.В.Скрёбцова, С.В.Гришанова. Финансовые мошенничества в банковской сфере. Научный журнал “Финансы, денежное обращение и кредит”. С 47-55 // <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovye-moshennichestva-v-bankovskoy-sfere/viewer>; Н.М.Найимова. Банк тизимининг рақамли трансформацияси, Ўзбекистонда рақамли банкинг хизматлари ҳамда рақамли тўлов тизимларининг самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш. “Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида банк-молия тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (12 апрель 2023 йил). – Тошкент: “Молия”, 2023. 101-104 б; Ш.А.Ташпулатов. Тижорат банкларида ахборот хавфсизлиги. “Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида банк-молия тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (12 апрель 2023 йил). – Тошкент: “Молия”, 2023. 97-100 б; К.Ю.Тихонова. Управление рисками мошенничества при осуществлении операций по банковским картам и системам дистанционного банковского обслуживания. Магистерская диссертация (2021) // [https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/98043/1/m\\_th\\_c.y.tikhonova\\_2021.pdf](https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/98043/1/m_th_c.y.tikhonova_2021.pdf); Л.А.Пойманова. Мошенничество в банковской сфере: понятие, признаки, виды. Сибирский юридический вестник № 2 (81) (2018). С 84-89 // <https://cyberleninka.ru/article/n/moshennichestvo-v-bankovskoy-sfere-ponyatie-priznaki-vidy/pdf>; И.А.Басов. О мошенничестве в сфере платежных карт. Научный журнал “Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития” (2015). С 99-103 // <https://cyberleninka.ru/article/n/o-moshennichestve-v-sfere-platezhnyh-kart/pdf>; Ikram Ul Haq. Fraud Detection for Online Banking for Scalable and Distributed Data. Thesis submitted in total fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy (2019) // <https://researchonline.federation.edu.au/vital/access/services/Download/vital:14419/SOURCE2>; К.Н.Евдокимов. Противодействие компьютерной преступности: теория, законодательство, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук (2022) // <https://www.prlib.ru/item/1793029>; А.З.Толстова, А.А.Кушу. Современные проблемы развития интернет-банкинга в России. *International Journal of Humanities and Natural Sciences*, vol. 4-4 (67) (2022). С 151-155 // <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-problemy-razvitiya-internet-bankinga-v-rossii/pdf>.

тадқиқотлардаги умумий жиҳат сифатида ахборот технологияларининг қўлланиши ҳамда инсон омили ўртасидаги муносабатларни ажратиш мумкин. Эътиборлиси шундаки, ушбу жараёнларнинг оммалашуви фониди ҳуқуқбузарликларнинг ривожланиб боришига ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёндашилмаган.

**Иккинчи гуруҳга** кирувчи илмий-тадқиқот ишларида банк тизимларида ахборот технологиялари қўлланилишининг норматив-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқотларда рақамли технологиялар шароитида банклар ва миждозлар ўртасидаги иждимой муносабатларни тартибга солиш, миждозлар ҳуқуқларининг таъминланиши, тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш, банк тизимларида тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш, банк соҳасидаги жинойтларни квалификациялаш каби масалалар ўрганилган. Илмий ишларнинг асосий эътибори норматив-ҳуқуқий базанинг мукамал ва идеал бўлишига, барча иждимой муносабатларни қамраб олишига қаратилган. Табиийки, тадқиқотлар ҳам асосан ҳуқуқшунослар томонидан амалга оширилган. Тўлов тизимларига оид норматив-ҳуқуқий йўналишдаги тадқиқотларни олиб борган шахслар сифатида П.Л.Сердюк, А.С.Серик, В.В.Эльзессер, А.В.Бондарь, Д.Н.Иконников, И.И.Звезда, В.П.Трухин, С.С.Усмонов, А.Б.Носиров, Г.Н.Карепанов, С.С.Медведев, Б.Б.Жумаев, Ян Сун, С.Т.Тоштемиров, В.Ф.Джафарли, М.А.Простосердов, А.С.Камко, А.И.Боровков, В.А.Новоселов, А.А.Голева, С.Г.Еремин ва С.С.Домовецларнинг<sup>2</sup> илмий-

<sup>2</sup> П.Л.Сердюк. Мошеничество в сфере банковского кредитования: уголовно-правовое и криминологическое исследование. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2008) // <https://www.dissercat.com/content/moshenichestvo-v-sfere-bankovskogo-kreditovaniya-ugolovno-pravovoe-i-kriminologicheskoe-issl/read/pdf>; А.С.Серик. Правовые основы предотвращения кибермошенничества: состояние и перспективы развития. Диссертация на соискание академической степени магистра права (2022) // <http://repository.kazguu.kz/bitstream/handle/123456789/1613/1.%20%D0%A1%D0%B5%D1%80%D1%96%D0%BA%20%D0%90.%20%D0%94%D0%B8%D1%81%D1%81%D0%B5%D1%80%D1%82%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F.pdf?sequence=1&isAllowed=y>; В.В.Эльзессер. Борьба с мошенничеством в банковской сфере: уголовно-правовой и криминологический аспекты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2005) // <https://www.dissercat.com/content/borba-s-moshennichestvom-v-bankovskoi-sfere-ugolovno-pravovoi-i-kriminologicheskii-aspekty/read/pdf>; А.В.Бондарь. Мошенничество как вид преступного посягательства против собственности и особенности его проявления в сфере банковской деятельности (уголовно-правовой аспект). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2003) // [https://www.dissercat.com/content/moshennichestvo-kak-vid-prestupnogo-posyagatelstva-protiv-sobstvennosti-i-osobennosti-ego-pr/read/pdf](https://www.dissercat.com/content/moshennichestvo-kak-vid-prestupnogo-posyagatelstva-protiv-sobstvennosti-i-osobennosti-ego-proyavleniya-v-sfere-bankovskoi-deyatelnosti-ugolovno-pravovoy-aspekt/read/pdf); Д.Н.Иконников. Предупреждение хищений в банковской сфере. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2012) // <https://www.dissercat.com/content/preduprezhdenie-khishchenii-v-bankovskoi-sfere/read/pdf>; И.И.Звезда. Расследование хищений в банковской сфере, совершенных путем мошенничества. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2008) // <https://www.dissercat.com/content/rassledovanie-khishchenii-v-bankovskoi-sfere-sovershennykh-putem-moshennichestva/read/pdf>; В.П.Трухин. Уголовно-правовая характеристика мошенничества в кредитно-банковской сфере. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2006) // <https://www.dissercat.com/content/ugolovno-pravovaya-kharakteristika-moshennichestva-v-kreditno-bankovskoi-sfere/read/pdf>; S.S.Usmonov. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida sodir

тадқиқот ишлари кўриб чиқилди.

**Учинчи гуруҳга** кирувчи илмий-тадқиқот ишларида тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликларга ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан қаралган. Ушбу тадқиқотларда ахборот хавфсизлиги талабларининг бажарилмаслиги рақамли банк хизматларининг сифати, оммалашуви ҳамда иқтисодий ресурсларнинг хавфсизлигига тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил сифатида баҳоланган. Тўлов

---

etilgan kiberjinoiyatlarning huquqiy tavsifi. Central Asian research journal for interdisciplinary studies (CARJIS) Volume 2 | Issue 1 | (2022) 247-251 b // <https://cyberleninka.ru/article/n/axborot-kommunikatsiya-tekhnologiyalari-sohasida-sodir-etilgan-kiberjinoiyatlarning-huquqiy-tavsifi/pdf>; А.В.Носиров. Банк карталаридан фойдаланиш билан bog‘liq firibgarlik jinoyatlarining kriminalistik tavsifi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Volume 2 | Issue 6 (2022) // <https://cyberleninka.ru/article/n/bank-kartalaridan-foydalanish-bilan-bog-liq-firibgarlik-jinoyatlarining-kriminalistik-tavsifi/pdf>; Г.Н.Карепанов. Особенности расследования мошенничеств, совершаемых работниками банков в сфере кредитования. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2018) // <https://www.dissercat.com/content/osobennosti-rassledovaniya-moshennichestv-sovershaemykh-rabotnikami-bankov-v-sfere-kreditova/read/pdf>; С.С.Медведев. Мошенничество в сфере высоких технологий. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2008) // <https://www.dissercat.com/content/moshennichestvo-v-sfere-vysokikh-tekhnologii/read/pdf>; В.В.Жумайев. O‘zbekistonda kiberjinoiyatlarni tergov qilishga doir xalqaro standart hamda ushbu turdagi jinoyatlarni tergov qilishda davlatlarning manfaatli hamkorligi masalalarining dolzarbligi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Volume 1 | Issue 5 (2021) // Yan Sun. An Investigation of Financial Fraud in Online Banking and Card Payment Systems in the UK and China. Doctoral Thesis Submitted in partial fulfilment of the requirements for the award of Doctor of Philosophy of Loughborough University (2010) // [https://repository.lboro.ac.uk/articles/thesis/An\\_investigation\\_into\\_financial\\_fraud\\_in\\_online\\_banking\\_and\\_card\\_payment\\_systems\\_in\\_the\\_UK\\_and\\_China/9496373](https://repository.lboro.ac.uk/articles/thesis/An_investigation_into_financial_fraud_in_online_banking_and_card_payment_systems_in_the_UK_and_China/9496373); В.Ф.Джафарли. Формирование и развитие системы криминологической безопасности в сфере информационно-коммуникационных технологий. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук (2023) // <https://www.dissercat.com/content/formirovanie-i-razvitie-sistemy-kriminologicheskoi-bezopasnosti-v-sfere-informatsionno-kommu/read/pdf>; М.А.Простосердов, Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2016). <https://www.dissercat.com/content/ekonomicheskie-prestupleniya-sovershaemye-v-kiberprostranstve-i-meryi-protivodeistviya/read/pdf>; А.С.Камко. Предупреждение мошенничества с использованием телекоммуникационных и компьютерных сетей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (2020) // <https://www.dissercat.com/content/preduprezhdenie-moshennichestva-s-ispolzovaniem-telekom-munikatsionnykh-i-kompyuternykh-setei/read/pdf>; А.И.Боровков. Мошенничество: уголовно-правовая характеристика, вопросы квалификации. Магистерская диссертация (2020) // <https://dspace.tltsu.ru/bitstream/123456789/14084/1/%d0%91%d0%be%d1%80%d0%be%d0%b2%d0%ba%d0%be%d0%b2%d0%b0%20%d0%90%20%d0%98.%d0%ae%d0%a0%d0%bc%d0%bf-1709%d0%b0.pdf>; В.А.Новоселов. Криминалистическое исследование мошенничества с использованием пластиковых карт. Магистерская диссертация (2018) // <https://ui.tsu.ru/wp-content/uploads/2018/07/%D0%9D%D0%BE%D0%B2%D0%BE%D1%81%D0%B5%D0%BB%D0%BE%D0%B2-%D0%92%D0%BB%D0%B0%D0%B4%D0%B8%D1%81%D0%BB%D0%B0%D0%B2-%D0%90%D0%BB%D0%B5%D0%BA%D1%81%D0%B0%D0%BD%D0%B4%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D1%87.pdf>; А.А.Голева. Совершение преступлений с использованием электронных платежных систем. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 11-4 (50) (2020) // <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenie-prestupleniy-s-ispolzovaniem-elektronnyh-platezhnyh-sistem/pdf>; С.Г.Еремин, С.С.Домовец. Способы совершения преступлений в сфере дистанционно-банковского обслуживания и следы-признаки их образования. Научный журнал “Уголовный процесс, криминалистика и оперативно-разыскная деятельность” (2018) С 89-95 // <https://cyberleninka.ru/article/n/sposoby-soversheniya-prestupleniy-v-sfere-distantsionno-bankovskogo-obsluzhivaniya-i-sledy-priznaki-ih-obrazovaniya/pdf>.

тизимларидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда дастурий ва техник воситаларга устуворлик берилган. Ушбу тадқиқот ишларида тўлов тизимларидаги жиноятларнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқбузарлик субъектларининг тизим сифатида шаклланиши ҳамда таҳдид сифатида юзага чиқиши очиқ берилган. Ахборот хавфсизлигига таҳдид сифатида намоён бўлувчи ушбу субъектларни кибержиноятчилар сифатида эътироф этилган. Ушбу йўналишга мансуб тадқиқот ишларида ахборот технологиялари бўйича мутахассислар билан бир қаторда иқтисодий фанлар вакиллари ҳам учратиш мумкин. Замонавий банк тизимларидаги жиноятлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борган шахслар сифатида З.С.Фаргиева, Л.М.Катиева, А.М.Валиев, А.З.Толстова, А.А.Кушу, С.Ю.Шамрина, А.Н.Ломакина, А.В.Фролов, Р.Д.Асемова ва М.Р.Акбароваларга<sup>3</sup> тегишли материаллар ўрганиб чиқилди.

Илмий-тадқиқот мавзусининг бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлик даражасини баҳолаш ҳамда олиб борилаётган тадқиқотдаги қарашлар билан қиёслаш мақсадида бир нечта илмий-тадқиқот ишлари атрофида таҳлил қилинди.

**А.Мирсоатов** томонидан 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси илмий журналарида чоп этилган “Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ривожланишининг замонавий тенденциялари” мавзусидаги илмий мақолада масофавий банк хизматларининг ривожланиб бориш жараёнлари билан синхрон тарзда аҳолининг молиявий саводхонлигини шакллантириш зарурлиги айtilган. Таҳлиллар натижасида масофавий банк хизматларининг ривожланишига асосий сабаб сифатида пандемия даври шароитлари келтирилган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, соҳанинг жадал ривожланишини

<sup>3</sup> З.С.Фаргиева, Л.М.Катиева. Компьютерные преступления в банковской сфере: профилактика, предупреждение. Научный журнал (электронный) “E-Scio” 8 (83) (2020) // <https://cyberleninka.ru/article/n/kompyuternye-prestupleniya-v-bankovskoy-sfere-profilaktika-preduprezhdenie/pdf>; А.М.Валиев. Тижорат банкларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари. “Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида банк-молия тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (12 апрель 2023 йил). – Тошкент: “Молия”, 2023. 82-84 б; А.З.Толстова, А.А.Кушу. Современные проблемы развития интернет-банкинга в россии. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 4-4 (67) (2022). С 151-155 // <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennyye-problemy-razvitiya-internet-bankinga-v-rossii/pdf>; С.Ю.Шамрина, А.Н.Ломакина, А.В.Фролов. Финансовые мошенничества в банковской сфере. Научный журнал “Современная экономика: проблемы и решения”, 5 (137) (2021), С 20-29 // <https://journals.vsu.ru/meps/article/view/7142/7173>; А.М.Валиев. Тижорат банкларида ахборот хавфсизлиги таъминлаш йўллари. “Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида банк-молия тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (12 апрель 2023 йил). – Тошкент: “Молия”, 2023. 119-124 б; Р.Д.Асемова. Тўлов тизимларидаги рискларни бошқаришни такомиллаштириш йўллари. “Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида банк-молия тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (12 апрель 2023 йил). – Тошкент: “Молия”, 2023. 154-158 б; М.Р.Акбарова. Киберхавфсизлик – рақамли иқтисодиётни ривожланишининг муҳим омили. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume 1 | Issue 4 (2021) // <https://cyberleninka.ru/article/n/kiberxavfsizlik-raqamli-iqtisodiyotni-rivojlanishining-muhim-omili/pdf>.

хуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарадорлигига таъсир этувчи омил сифатида эътироф этилади.

Бундан ташқари, номзодлик иши доирасидаги илмий мақолада масофавий банк хизматларининг ривожланиши бўйича халқаро тадқиқотлар таҳлил қилинган. Муаллифнинг хулосаларига кўра, онлайн банк иши мижозларга бир қанча қулайликлар ва имтиёзлар яратишига қарамасдан, ушбу сектордаги менежерлар учун бир қатор асосий ташвиш ва қийинчиликлар туғдиради. Хусусан, ҳиндистонлик иқтисодчи П.Реватҳининг фикрича, онлайн банклар олдида турган хавфсизлик, техник муаммолар, тўлов ўтказмалари билан боғлиқ қийинчиликлар, уларни анъанавий банклар билан мурасага келишга мажбур қилади. Яна бир мутахассис С.Ж.Каурнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланаётган давлатларда рақамли банкларни амалиётда қабул қилинишини яхшилашнинг асосий аниқланган омили сифатида мижозларнинг рақамли банк фаолиятига ишончини қозониш учун банк тизимида интеграциялашган маданий ва ташкилий ўзгаришлар амалга оширишдир. Асосий таклифлар масофавий хизматлар кўрсатувчи банклар фаолиятини ривожлантириш бўйича берилган бўлиб, ушбу соҳадаги хуқуқбузарликларга эътибор қаратилмаган.

Хулоса сифатида банклар томонидан ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушумга банк тизимидан фойдаланувчилар сонининг ҳамда муомаладаги пластик карточкаларнинг ўзгариш динамикаси таъсири сусти бўлганлиги айтилган. Айнан 2020-2021 йиллардаги пандемия ҳолати аҳолининг масофавий банк хизматларидан фойдаланишга мажбур қилган. Чунки, номинал ва реал кўрсаткичларда ҳам фақатгина 2021 йилда кескин ўсиш кузатилган.

Воронеж давлат техника университети тадқиқотчиси **О.К.Семёновнинг** “Тижорат банкларида иқтисодий хавфсизликни оширишнинг стратегик йўналишлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида банк тизимларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодиётни ривожлантиришда долзарб ва муҳим масала ҳисобланиши, ушбу вазифани амалга оширишда узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги долзарб масала сифатида таъкидланган. Тадқиқотда РФ мисолида тижорат банклари фаолиятидаги ислохотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, “оғир иқтисодий шароит”да тижорат банкларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги бошқарув муносабатлари ҳамда стратегик йўналишлар бўйича таклифлар берилган. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган вазифалар асосан молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, банк тизимларидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишига, рухсат этилмаган кириш мисолида, қисқача тўхтаб ўтилган. Тадқиқот давомида иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва норматив-хуқуқий омиллар гуруҳланган. Ушбу тадқиқот натижаларидан РФ тажрибасининг элементлари

сифатида фойдаланиш ҳамда банкларнинг бошқарув аппарати тўғрисидаги таҳлил натижаларидан фойдаланиб, ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни ажратиш мумкин.

Ушбу илмий-тадқиқот натижасида тижорат банкларининг оғир иқтисодий шароитда барқарор ва нормал фаолият олиб боришига асосий эътибор қаратилиб, ушбу мақсадга эришиш учун фундаментал тадқиқот олиб борилган. Хусусан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган концептуал модел, индикаторлар тизими, омиллар таснифи ҳамда бошқарувни автоматлаштириш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот асосан иқтисодий хавфсизлик йўналишида олиб борилган бўлиб, банк тизимларидаги кибер-ҳуқуқбузарликлар бўйича таҳлиллар амалга оширилмаган.

**М.Р.Тангишов** томонидан 2023 йилда Тошкент молия институтида “Тижорат банкларининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган номзодлик диссертация ишида банкларни ривожлантиришда уларнинг инновацион технологияларни амалиётга жорий қилишга етарли эътибор қаратмаётганлиги ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигига таъсир этаётганлиги долзарб муаммо сифатида эътироф этилиб қилинган. Тадқиқотчининг фикрича, банкларнинг нофоиз даромадларини ошириш, уларнинг хизмат таннархини пасайтириш ҳамда сифатли хизмат кўрсатиши масалалари инновацион ривожланиш билан боғлиқдир. Тадқиқот предмети сифатида тижорат банкларининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар олинган.

Илмий-тадқиқот давомида АҚШ, Канада, Европа ва Осиё банкларининг рақамлаштирилганлик даражаси ҳамда банк бошқарувидаги инновацион ўзгаришларнинг жорий қилинганлик ҳолати таҳлил қилинган. Шуниндек, Ўзбекистон тижорат банкларининг масофавий хизматларидан фойдаланувчилари сони тўғрисидаги маълумотларнинг 2018-2022 йиллар учун таҳлили амалга оширилган. Бундан ташқари АҚШдаги кредит карталар билан боғлиқ фирибгарликларнинг ўзгариш тенденцияларининг 2017-2021 йиллар учун таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқот натижасида, тижорат банкларининг кредитлаш, транзакциялар ва банк карталари тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, тижорат банкларининг инновацион фаолияти бошқарув, бизнес жараёнлари ва банк маҳсулотларидаги инновациялар каби 3 та йўналишга бўлинган.

Тадқиқот давомида асосий эътибор инновацион ривожланишга



қаратилган. Ушбу йўналишнинг замонавий таҳдидлари чуқур ўрганилмаган. Хусусан, инновацион ривожланишнинг ҳуқуқбузарликлар янги турлари шаклланишига олиб келиши тўғрисида фикр юритилмаган.

**Т.В.Скребцова** ва **С.В.Гришанованинг** 2020 йилда Стравполь давлат аграр университети илмий журналида чоп этилган “Банк соҳасидаги молиявий фирибгарликлар” мавзусидаги илмий мақоласида банк тизимлари ва хизматларининг рақамлашуви ушбу йўналишда содир этилаётган фирибгарликларнинг янги кўринишларига шароит яратаётганлиги долзарб масала сифатида муҳокама қилинган. Тадқиқот предмети сифатида РФ банкларида содир этилаётган молиявий фирибгарликларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотчилар томонидан банк соҳасидаги жиноятлар субъектлари бўйича гуруҳланган ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий базаси даражалар бўйича тизимлаштирилган. Жорий ҳолат таҳлили сифатида РФ мисолида жиноятлар ва аризалар сони, зарар ва қайтарилган маблағлар миқдорлари 2018-2019 йиллар чораклари бўйича таҳлил қилинган

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш механизмлари фақат банк зиммасидаги вазифалар сифатида ёритилган. Мақолада асосий урғу жорий ҳолат таҳлилига берилган.

Тадқиқот натижасида банк тизимидаги фирибгарликларнинг салбий тенденциялари тўғрисида хулосалар берилган. Шунингдек, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифланган.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу соҳадаги нисбатан тор доирадаги тадқиқот ишлари икки гуруҳга бўлинади. Булар: “тўлов карталари билан ёки тўлов картасиз фирибгарлик” ҳамда “банк фирбгарлиги” ҳисобланади.

Биринчи йўналишга доир тадқиқотлар тўлов карталаридан онлайн транзакциялар учун рухсатсиз фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларни қамраб олади. Тадқиқотчилар фирибгарликни аниқлаш ва бартараф этиш, рискларни бошқариш стратегиялари ва миқдорларни ҳимоялаш сиёсати бўйича тадқиқотлар олиб боради. Ушбу йўналишда изланишлар олиб борган тадқиқотчиларга А.Рагхаван, Л.Суини, К.Шривастава, Р.Агарвал, Ю.Чжао, Х.Сунь, Х.Цаоларни киритиш мумкин.

Иккинчи йўналишга доир тадқиқотлар молиявий жиноятларнинг кенгрок спектрини қамраб олади. Ушбу жиноятларга банк ҳисобларидаги фирибгарлик, чеклар билан боғлиқ фирибгарликлар, пулларни ювиш ҳамда шахсий маълумотларни ўғирлаш каби жиноятлар киради. Ушбу йўналишда изланишлар олиб борган тадқиқотчиларга С.Тарик, М.Ислам, К.В.Чанг, Т.Х.Ченг, Ю.М.Лин, М.К.Чуанг, Т.Ж.Хван ва Ю.Х.Линларни киритиш мумкин.

Ўрганиб чиқилган барча тадқиқот ишларида электрон тўлов

тизимларидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш механизмлари бўйича қисман маълумотлар олиш мумкин. Юқоридаги тадқиқот ишларида соҳадаги муаммолар турли ракурслардан таҳлил қилинган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, барча тадқиқот ишларини умумлаштирган ҳолда ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини шакллантириш мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот ишларида келтирилган таҳлил натижаларидан электрон тўлов тизимларидаги жиноятларга қарши кураш механизмларини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

#### **Фойдаланилган манбалар**

1. [www.journal.bfa.uz](http://www.journal.bfa.uz) сайти маълумотлари.
2. [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com) сайти маълумотлари.
3. [www.interaktiv.oak.uz](http://www.interaktiv.oak.uz) сайти маълумотлари.
4. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru) сайти маълумотлари.
5. [www.elar.urfu.ru](http://www.elar.urfu.ru) сайти маълумотлари.
6. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru) сайти маълумотлари.
7. [www.researchonline.federation.edu.au](http://www.researchonline.federation.edu.au) сайти маълумотлари.
8. [www.prlib.ru](http://www.prlib.ru) сайти маълумотлари.
9. [www.repository.kazguu.kz](http://www.repository.kazguu.kz) сайти маълумотлари.
10. [www.repository.lboro.ac.uk](http://www.repository.lboro.ac.uk) сайти маълумотлари.
11. [www.dspace.tltsu.ru](http://www.dspace.tltsu.ru) сайти маълумотлари.